

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ, ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 184

24

ОКтяБРЬ
ЯКШАНБА
1954 йил

БАҲОСИ
20 ТИЙИН.

Яшасин коммунизм қуриш учун курашда
совет халқининг улуғ илҳомлантиручи
ва раҳбар кучи—Совет Иттифоқи Ком-
мунистик партияси!

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги муносабати блан КПСС Марказий Комитетининг Ч А Қ И Р И Қ Л А Р И

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги!

2. Яшасин бутун дун'ё меҳнаткашларининг халқаро бирдам-лиги!

3. Тинчлик учун, демократия учун, социализм учун курашаётган ҳамма халқларга қардошлик салом!

4. Барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари! Агар халқлар тинчлики сақлаш ишини ўз қўлларига олсалар ва бу ишни қаттиқ туриб охиригача ҳимоя қилсалар, у вақтда тинчлик сақланади ва мустақамланади! Халқларнинг тинчлик учун курашдаги бирлигини мустақамлангиз!

Яшасин халқлар ўртасида мустақам тинчлик!

5. Яшасин бутун дун'ёдаги тинчлик тарфдорларининг қудрат-ли ҳаракати! Барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари, янги жаҳон уруши хавфига қарши, халқлар ўртасида тинч ҳамкорлик учун ак-тив курашингиз!

6. Барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари! Атом, водород қу-роллари ва ялли қирин қуролининг бошқа турларини тақиқлаш учун, қурол-яроғларни ёппасига камайтириш учун курашингиз!

7. Герман милитаризмини қайтадан тиклашга қарши, агрессив ҳарбий гуруҳлар тузишга қарши курашда халқларнинг бирдамлиги мустақамлансин!

Европадаги барча халқларга мустақам тинчлик ва коллектив хавфсизлик бўлиши учун!

8. Халқ ҳўжалигини янада юксалтириш учун, халқларнинг фа-рвонлигини тинмай ошириш учун, социалистик жамият қуриш учун муваффақиятли курашаётган халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашларига қардошлик салом!

Халқ демократияси мамлакатлари блан Совет Иттифоқининг бу-зилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги яшасин ва мустақамлансин!

9. Халқ ҳўжалигини ва маданиятни юксалтириш учун, мамла-катни индустриллаш учун, социализм негизларини қуриш учун муваф-фақиятли курашаётган улуғ хитой халқига қардошлик салом!

Бутун дун'ёдаги тинчликнинг қудратли фактори бўлган совет ва хитой халқларининг бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги яшасин ва яшасин!

10. Халқ ҳўжалигини тиклаш учун, тинчлик учун, Кореяни де-мократик асосларда миллий жиҳатдан бирлаштириш учун кураша-ётган Корея Халқ-Демократик Республикасининг қаҳрамон халқига қардошлик салом!

11. Тинчлик ва демократия учун, ўз Ватанининг халқ ҳўжали-гини тиклаш учун курашаётган Ўзбекистон Демократик Республикаси-нинг қаҳрамон халқига қардошлик салом!

12. Ғарбий Германияни учинчи жаҳон урушининг ўчоғига ай-лантиришдан иборат жинояткорона пландарга қарши курашаётган Германия тинчликсевар кучларига салом!

Бирлашган, мустақил, демократик ва тинчликсевар Германия-ни барпо қилиш учун курашининг мустақам таянчи бўлган Герма-ния Демократик Республикаси яшасин. Европада тинчликини муста-қамлаш манфаатлари йўлида герман ва совет халқлари ўртаси-даги бузилмас дўстлик ўссин ва мустақамлансин!

13. Бутун дун'ёдаги тинчлик манфаатлари йўлида Совет Итти-фоқи блан Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик кенгайсин ва мустақамлансин!

14. Империалистик зулмга қарши, ўз озодлиги ва миллий мус-тақиллиги учун курашаётган мустамлака ва қарам мамлакатлар-нинг халқларига қардошлик салом!

15. Яшасин Англия, Америка Қўшма Штатлари ва Совет Итти-фоқи халқларининг халқаро кескинлигини янада юмшатиш учун, урушининг олдини олиш ва бутун дун'ёда мустақам тинчликини та'-минлаш учун курашдаги дўстлиги!

16. Совет Иттифоқи халқлари блан Франция ва Италия халқ-ларининг тинчлик учун, герман милитаризмининг қайтадан тикла-нишига қарши, Европада коллектив хавфсизлигини вужудга келти-риш учун курашдаги дўстлиги ва ҳамкорлиги мустақамлансин!

17. Миллий мустақиллик учун, ўз Ватанини демократик ривож-лантириш учун, япон милитаризмининг қайтадан тикланишига ва Япониянинг Узоқ Шарқда империалистларнинг ҳарбий плацдарми-га айлантирилишига қарши мардлик блан курашаётган япон халқи-га салом!

18. Яшасин Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати — тинчликини сақлаш ва мустақамлашнинг бузилмас сиёсати, янги урушни тай-ёрлаш ва бошлаб юборишга қарши кураш сиёсати, халқаро ҳамкор-лик ва барча мамлакатлар блан амалий алоқаларни ривожланти-риш сиёсати!

19. Совет Армияси ва Флотининг жангчилари! Ўзинингнинг ҳарбий ва сиёсий билимларининг сабот блан оширингиз, ҳарбий маҳоратининг та-комиллаштирингиз, янги техникани ва қурол-яроғларни эгаллангиз!

Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини қўриқлаётган, ғала-балар шон-шўхратига тўлган Совет Куролли Кучлари яшасин ва мустақамлансин!

20. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теваригига янада мустақам жипслашайлик, бутун куч ва ижодий ғайратини мамлакатимизда коммунизм жамият қуришдан иборат буюк ишга сафарбар қилайлик!

Яшасин партия, ҳукумат ва халқнинг бузилмас бирлиги!

21. Яшасин совет тузумининг мустақам негизи бўлган ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи!

22. Яшасин мамлакатимиз халқларининг қардошларча дўстли-ги — кўпмиллатли социалистик давлат кучи ва қудратининг манбаи!

23. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Партия ва Ҳукумат-нинг совет экономикасини янада юксалтиришга, халқнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини оширишга, Ватанимизнинг қудратини ва хавфсизлигини мустақамлашга қаратилган сиёсатини амалга ошириш учун курашингиз!

24. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Бешинчи бешйиллик плани мудатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақада янги муваффақиятларга эришингиз! Халқ ҳўжалигини янада юксалтиришнинг ва совет халқи фаровонлигини оширишнинг негизи бўлган юксак меҳнат унуми учун умумхалқ ҳаракатини кучайтириб юборайлик!

25. Ишчилар, инженерлар ва техниклар, мастерлар! Маҳсулот-нинг ҳамма турларини ишлаб чиқариш планини бажариш учун курашингиз! Ишлабчиқаришнинг янги резервларини топингиз ва улардан фойдаланингиз! Фан, техника ва илгор тажриба муваффа-қиятларини ишлабчиқаришга кенг жорий қилингиз! Маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, таннархини камайтирингиз!

26. Кўмир саноатининг ишчилари, инженерлари ва техника-лари! Ҳамма шахталарнинг ишлабчиқариш планларини бажаришга эришингиз, ишлабчиқаришнинг ташкил этишининг цикли методини жор-ий қилингиз! Янги шахталар ва разрезларни тезроқ қуригиз, уларнинг проект қувватларини ўзлаштирингиз! Халқ ҳўжалигига кўпроқ кўмир берайлик!

27. Нефть саноатининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Нефть чиқариш ва нефть маҳсулотлари ишлашни кўпайтириш учун курашингиз, нефть қудуқларини пармалашнинг тезкорлик ме-тодларини кенг жорий қилингиз! Янги нефть конларини тез ўзлаш-тирингиз ва янги зовдорлар қуригиз! Юқори сифатли нефть ва нефть маҳсулотларини кўпроқ берайлик!

28. Совет металлургиялари! Металлургия ва кон-руда корхона-ларининг қувватларидан фойдаланишни яхшилаш, ишлабчиқа-риш технологиясини такомиллаштирингиз! Ҳарқайси корхонанинг планларини бутун номенклатура бўйича бажаришга эришингиз! Мамлакатга чўян, пўлат, прокат, рангли металлари кўпроқ берайлик!

29. Электротехника ва радиотехника саноатининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Юқори сифатли ускуналар, асбоблар ва аппаратлар ишлаб чиқаришнинг бутун чоралар блан кўпайти-рингиз! Аҳоли учун маданий молларни ва рўзғор буюмларни кўп-роқ ишлаб чиқарингиз!

30. Электростанцияларнинг ходимлари! Янги энергетика қув-ватларини тезроқ ишга туширингиз, илгор техникани кенг жорий қилингиз!

31. Машинасозлик корхоналарининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Янги машиналар, асбоблар ва ускуналар ишлаб чи-қаришнинг кенгайтирингиз, уларнинг сифатини оширингиз! Трактор-лар, автомобильлар, комбайнлар, қишлоқ ҳўжалик машиналари ва запас қисмлар чиқаришнинг кўпайтириш учун кўнот блан курашингиз!

32. Химия саноатининг ходимлари! Халқ ҳўжалиги учун мине-рал ўғитлар, юқори сифатли бўёқлар ва бошқа химия маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг бутун чоралар блан кўпайтириш учун кура-шингиз!

33. Бинокор ишчилар, инженерлар ва техниклар! Янги корхо-наларни, совхозлар ва машина-трактор станцияларини, уй-жой би-ноларини, мактабларни, касалхоналарни, болалар муассасаларини ва маданий муассасаларни тезроқ қуригиз! Қурилишнинг қимма-тини камайтирингиз, сифатини оширингиз!

34. Бинокорлик материаллари саноатининг ишчилари, инженер-лари ва техниклари! Цемент, темир-бетон конструкциялар, детал-лар, барча буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришнинг кўпайтири-нигиз! Ватанимиздаги қурилишлар учун юқори сифатли бинокорлик материалларини кўпроқ берайлик!

35. Ўрмон, қозғоз ва ёғочсозлик саноатининг ишчилари, инже-нерлари ва техниклари! Ёғоч тайёрлаш ва қозғоз ишлаб чиқариш-ни кўпайтирингиз! Меҳнат унумини оширингиз, механизмлардан тўлиқ фойдаланингиз! Мамлакатга кўпроқ ёғоч ва тахта, юқори си-фатли қозғоз ва мебель берайлик!

36. Кенг исте'мол моллари саноатининг ходимлари! Янги ва гўзал газламаларни, чиройлик кийимларни, пишиқ ва нафис пойаф-залларни ва юқори сифатли бошқа хил молларни кўпроқ тайёрлаб берайлик! Чиқарилаётган маҳсулотларнинг хилларини кўпайти-рингиз, хомаш'дан тежаб фойдаланингиз! Кенг исте'мол моллари ишлаб чиқаришнинг кескин суратда юксалтиришнинг та'минлайлик!

37. Озиқ-овқат моллари, гўшт ва сут маҳсулотлари саноатининг ходимлари! Озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришнинг бутун чоралар блан кенгайтирингиз, уларнинг сифатини яхшилаш! Аҳоли учун қанд-шакар, ёғ, гўшт, сут ва бошқа хил маҳсулотларни кўпроқ бе-райлик!

38. Балиқ саноатининг ходимлари! Балиқ овлашни кўпайти-рингиз, балиқчиликни ривожлантирингиз, чиқарилаётган маҳсулот-нинг сифатини оширингиз! Балиқ овлайдиган флотдан ва асбоблар-дан фойдаланишни яхшилаш!

39. Қишлоқ ҳўжалик ходимлари! Социалистик қишлоқ ҳўжа-лигининг ҳамма тормоқларини янада зўр бериб юксалтириш учун курашингиз! Мамлакатга ғалани, сутни, гўштни, жунини, пахтани, зиғирни, қанд лавлагини, картошкани, сабзавотларни ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини кўпроқ етиштириб берайлик!

40. Колхозчилар! Меҳнат унумини оширингиз ва меҳнат инти-зомини мустақамлангиз! Фан муваффақиятларини ва илгорлар тажрибасини ўрганингиз ва кенг жорий қилингиз! Колхозларнинг жамоат ҳўжалигини янада мустақамлаш, колхозларнинг даро-мадларини ўстириш ва колхозчиларнинг фаровонлигини ошириш-ни та'минлайлик!

41. Қишлоқ ҳўжалик ходимлари! Ҳамма экинлардан мўл ҳосил олишга эришингиз! Дон ҳўжалигини ривожлантириш ва мустақамла-ш учун хормай-толмай курашингиз! Қўриқ ва бўз ерларни янада ўзлаштириш учун, 1955 йилда мўл ҳосил олиш учун социалистик мусобақани авж олдиригиз! Мамлакатга юз миллион пуллаб қў-шимча ғалла берайлик!

42. Колхозлар, совхозлар ва машина-трактор станцияларининг ходимлари! Жамоат қорвачилигини бутун чоралар блан ривожлан-тирингиз, чорва молларининг сонини кўпайтиришга ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишга эришингиз! Чорва молларининг қиш-ловини яхши ўтказиш та'минлайлик! Мамлакатга қорвачилик маҳ-сулотларини кўпроқ берайлик!

43. Колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ходимлари! Техника экинлари, сабзавотлар ва картошка етиштиришнинг кенгайтирингиз! Шу экинларнинг ҳосилини оширишга эришингиз, механизацияни ва илгор агротехникани ишлабчиқаришга жорий қилингиз!

44. Машина-трактор станцияларининг ходимлари! Ҳамма қиш-лоқ ҳўжалик экинларининг ҳосилини бутун чоралар блан ошириш учун, жамоат чорва молларининг сонини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун курашингиз! Тракторлар, комбайн-лар ва бошқа машиналарнинг ўз вақтда ремонтдан чиқарилишини та'минлайлик!

45. Совхозларнинг ходимлари! Далаларнинг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширингиз! Ишлабчиқаришнинг ташкил этиш ва техникадан фойдаланишнинг яхшилаш, маҳсулот таннархининг камайтирилишига эришингиз! Ҳамма совхозларни кўп миқдорда товар маҳсулоти берадиган намунали ҳўжаликларга ай-лантирайлик!

46. Маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперациясининг ходимлари! Халқ исте'мол қиладиган молларни, ҳўжалик асбобла-рини ва бинокорлик материалларини ишлаб чиқаришнинг кўпайти-рингиз! Буюмларнинг сифатини оширингиз ва таннархини камайти-рингиз, маҳаллий хомаш'дан яхшироқ фойдаланингиз! Аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган корхоналарни кўпайтирингиз, улар-нинг ишини яхшилаш!

47. Давлат ва кооператив савдоси ходимлари! Шаҳар ва қиш-лоқда совет савдосини бутун чоралар блан кучайтирингиз, меҳнаткашларнинг зарур молларга бўлган эҳтиёжларини қонди-ришга эришингиз! Совет савдосининг маданиятини ошириш учун курашингиз! Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ва хомаш'ларининг тайёрланиши ва сотиб олишнинг ташкил этишнинг яхшилаш!

48. Темир йўл транспортининг ходимлари! Юк ташишни кў-пайтириш ва пассажирларга хизмат кўрсатилишини яхшилаш учун курашингиз! Вагонларнинг юк кўтариш қувватидан тўлиқ фойда-ланишга, поездларнинг юриш тезлигини оширишга, вагонлар ва ло-комотивлар оборотини тезлаштиришга эришингиз! Темир йўлларнинг қиш шароитида пухта ва узлуксиз ишлашнинг та'минлайлик!

49. Денгиз ва дар'ё флотининг ходимлари! Юк ташиш планини бажариш учун курашингиз! Флот ва портлардан фойдаланишнинг илгор методларини дадиллаш блан жорий қилингиз! Флотни 1955 йил навигациясига намунали тайёрлаш та'минлайлик!

50. Автомобиль транспорти ва тошйўлларнинг ходимлари! Юк ташишни кўпайтирингиз, пассажирларга хизмат кўрсатишнинг яхши-лангиз! Автомобиль транспортидан яхшироқ фойдаланингиз, тош-йўлларни намунали тартибда сақлангиз! Янги йўллар қурилишини кенгайтирингиз!

51. Алоқа ходимлари! Алоқа воситаларини хормай-толмай ри-вожлантирингиз ва такомиллаштирингиз! Почта, телеграф, телефон, радионинг нуқсонсиз ишлашига эришингиз! Аҳолига яхшироқ хиз-мат қилингиз!

52. Совет муассасаларининг ходимлари! Давлат аппаратининг ишини такомиллаштирингиз, бюрократизмни ва сансалорликни ту-гатингиз! Давлат интизомини мустақамлаш ва социалистик қонун-ларга қаттиқ риоя қилиш учун курашингиз! Меҳнаткашларнинг тала-баларига ва эҳтиёжларига сезгирлик блан қўлоқ солингиз! Давлат аппаратини арзонлаштиришга ва унинг омма блан алоқаларини кучайтиришга эришайлик!

53. Илмий-текиштириш муассасалари ва олий ўқув юртларининг ходимлари! Совет фанини ва техникасини янада тараққий этди-рингиз! Илмий ишлардаги камчиликлар юзасидан танқидни дадил-лик блан кучайтирингиз! Халқ ҳўжалигини ривожлантиришда ва мамлакатимизнинг техника тараққийи та'минлашда совет фани-нинг ролини оширингиз! Мутахассислар тайёрлаш ишини яхши-лангиз!

54. Адабиёт ва сан'ат ходимлари! Совет адабиётини ва сан'а-тини янада ривожлантириш учун курашингиз! Ўз ижодиётинингининг ғоявий ва бадиий савиясини оширингиз! Улуғ халқимизга муносиб асарлар яратингиз!

55. Халқ маорифи ходимлари! Мактабда ўқитиш ва тарбиялаш сифатини оширингиз! Болаларни Совет Ватанига муҳаббатли ва садоқатли бўлиш, халқлар ўртасида дўстлик руҳида тарбиялангиз! Социалистик жамиятнинг маданий, билимли ва меҳнатсевар граж-данларини, коммунизмнинг актив қўручларини тарбиялаш етиш-тирингиз!

56. Медицина ходимлари! Халқ соғлигини сақлаш ишларини яхшилаш ва ривожлантирингиз, даволаш ва санитария муассаса-ларининг иш маданиятини оширингиз! Медицина фанининг муваф-фақиятларини практикага жорий қилингиз!

57. Совет касаба союзлари! Меҳнат унумини ошириш учун, халқ ҳўжалиги пландарини тўла ва ошириб бажариш учун социа-листик мусобақани кенг авж олдиригиз! Ишлабчиқариш новатор-ларининг тажрибаларини ёйингиз! Ишчилар ва хизматчиларнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини янада ошириш учун хормай-толмай ғамхўрлик қилингиз!

Яшасин коммунизм мактаби — Совет касаба союзлари!

58. Совет хотин-қизлари! Халқ ҳўжалиги, фан ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида, совет халқининг бахт ва саодати учун болаларни тарбиялаб ўстиришдек олижаноб ишда янги муваффақиятларга эришингиз!

Яшасин Коммунизмнинг актив қўручилар — совет хотин-қизлари!

59. Яшасин коммунизм қуручи ёшларининг илгор отряди, совет ёшларининг ташкилотчиси, Коммунистик партиянинг актив ёрдам-чиси ва резерви — Бутуниттфок Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи!

60. Ийигит ва қизлар, шонли совет ёшларимиз! Ҳўжалик ва ма-даний қурилишда, мамлакатнинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив қатнашингиз! Илгор фан ва техника муваффақиятларини кўнот блан ўрганингиз, саноат ва қишлоқ ҳўжалик ишлабчиқариш би-лимларини эгаллангиз! Мамлакатимизда коммунизм қуришдан ибор-ат улуғ ишнинг ғалабаси учун курашда бардам ва дадил бўлингиз!

61. Пионерлар ва мактаб ўқучилари! Билимларни сабот ва кўнот блан эгаллангиз! Меҳнатсевар ва интизомли бўлингиз, ўқишда му-ваффақиятларга эришингиз!

62. Коммунистлар ва комсомоллар! Социалистик саноатимизни янада яшатиш учун, қишлоқ ҳўжалигини кескин равишда юксалти-риш учун, совет халқининг фаровонлигини тинмай ошириш учун, СССРда коммунизм қуриш учун курашувчиларнинг биринчи сафла-рида бўлингиз!

63. Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва шон-шўхрати-нинг маҳкам таянчи, бутун дун'ёда тинчликнинг мустақам қўрғо-ни — улуғ Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи!

64. Яшасин коммунизм қуручи улуғ совет халқи!

65. Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқининг улуғ илҳомлантиручи ва раҳбар кучи — Совет Иттифоқи Комму-нистик партияси!

66. Маркс—Энгельс—Ленин—Сталин байроғи остида, Комму-нистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси
Марказий Комитети.

(ОХИРИ УЧИНЧИ БЕТЛА)

